

## **КЎП ТАРМОҚЛИ ФАО ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Турдиева М.К., Буриев Х.Ч.**

*Bioversity International (IPGRI)*

*Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти*

**Аннотация:** Мақолада кўп тармоқли ФАО тизимининг молиявий таъминот механизмлари ва тамойиллари тўғрисида қимматли маълумотлар чуқур илмий таҳлил қилингандан ҳолда келтирилган.

**Калит сўзлар:** ФАО, молиявий таъминот, агробиохилмахиллик, биохилма-хиллик, агроэкологизимлар, генетик ресурслар.

Глобал ҳаракат режаси билан бевосита боғлиқ бўлган Кўп томонолама ҳамкорлик тизимини ҳаётга татбиқ этиш муаммоси қанчалик мураккаб бўлмасин, молиялаштиришнинг асосий принципларини белгиламасдан, кўшимча маблағлар топмасдан ва тизимни таъминлаш бўйича механизмларни ишлаб чиқмасдан туриб, унинг самарадорлигига эришиб бўлмайди. ХБнинг IV-қисми КХТ молиявий таъминлаш масаласига бағишланган.

“XXI аср кун тартиби”нинг “Барқарор ривожланиш” деб номланган 33-бобида ривожланаётган мамлакатларда 1993-2000 йилларда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш харажатлари келтирилган. Ушбу ҳужжатга кўра, харажатлар йилига 561,5 миллиард доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Бироқ, мазкур маблағнинг бир қисмигина табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун мўлжалланган. Бюджетнинг қатор моддалари асосан ноэкологик хусусиятга эга. Яъни (миллиард доллар ҳисобида) қишлоқларни (218), соғлиқни сақлашни ривожлантириш (51), қашшоқликка қарши кураш (30), таълим ва миллий илмий кадрлар тайёрлашга (14,6) йўналтирилади. Шу билан бирга, глобал экологик муаммолар учун сарф-харажатлар тўлиқ ҳисобга олинмаган, чора-тадбирларни танлашда маҳаллий ва минтақавий муаммоларгина инобатга олинган. Бу борадаги кўламни ҳис этиш учун шуни қайд этиш керакки, жаҳон бозорида 2000 йилда табиатни муҳофаза қилиш маҳсулотлари ва хизматларни сотиш йиллик ҳажми қарийб 550 миллиард АҚШ доллари миқдорида режалаштирилган.

Ўсимликлар агробиохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал фонднинг мақсади – жаҳон ҳамжамияти учун ўта муҳим бўлган бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларининг *ex situ* коллекцияларини ишончли ва барқарор молиялаштиришни таъминлаш борасида хайрия асосида доимий маблағлар манбаини яратишдан иборат. Фонд маблағлари ўз коллекцияларида тўпланган ўсимликлар хилма-хиллигини бутун инсоният фаровонлиги йўлида қабул қилинган халқаро стандартлар ва мезонлар бўйича сақлашни ўз зиммасига олган миллий, минтақавий ҳамда халқаро генбанкларни узоқ муддатли асосда молиялаштириши лозим.

Фонд маблағларидан, шунингдек, ФАО Глобал ҳаракат режаси ва Фонд талабларига мувофиқ *УГР ex situ* коллекцияларини сақлаш бўйича техник ва бошқа имкониятлар яратиш учун грантлар ҳамда дастурлар шаклида маблағ ажратилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурслари бўйича халқаро битим Глобал фонд фаолиятида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлик платформаси, БМТ дастурларини яратиш унинг фаолиятининг асосий элементларидир.

Бундай платформанинг ташкил этилиши қўшилган хусусий хиссалар ёрдамида глобал муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган давлат ва жамоатчилик маблағларини тўлдириш имконини беради. БМТнинг турли ташкилотлари (ФАО, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНЕП), Жаҳон банки, Америка халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Қизил Хоч ва бошқалар асосий шериклар ҳисобланади.

Демак, хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, жаҳон ҳамжамияти озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун ўсимликлар генетик ресурсларини тўплаш, сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммосини ҳал этишга нисбатан якуний шаклланган ёндашувга эга. Бу борада Халқаро битим ҳуқуқий ва сиёсий асос, Глобал ҳаракат режаси стратегик режа, Халқаро ҳамкорлик тизими амалий восита, Сақлаш бўйича глобал фонд молиявий механизм бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтилган фикрлардан шу нарса айёнки, Халқаро битим ва Кўп томонлама ҳамкорлик тизимининг барча иштирокчилари ҳамда жаҳон ҳамжамияти катта имконият ва фойда олади: ҳар қандай мамлакатдаги туб ва маҳаллий аҳоли, шунингдек, фермерлар ва фермерлар ҳамжамияти – генетик ресурсларга ва улар билан боғлиқ анъанавий билимларга нисбатан ҳуқуқлари тан олинади ҳамда агробιοхилма-хилликни сақлаш масаласи бўйича қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлади; олимлар, селекционерлар ва мутахассислар илмий тадқиқотлар ва селекция ишлари учун етарли миқдорда бошланғич материалга эга бўлади; давлат ва хусусий сектор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун генетик хилма-хилликдан ошқора фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Пировард натижада эса бугунги дунё атроф-муҳитни, экотизимлар, агротизимлар ва барча хилма-хил ўсимликларни келажак авлодлар учун сақлаб қолади.

Бу борада муайян муҳим ютуқларга эришилгани қарамасдан, айрим муаммолари ҳали ҳам ўз ечимини топгани йўқ. Масалан, Кўп томонлама ҳамкорлик тизимига киритилган экинлар рўйхати қишлоқ хўжалиги экинларининг коллекцияларини хусусийлаштириш жараёнидан эҳтиёт қилиш учун кенгайтирилиши лозим.

Генетик материаллардан фойдаланишдан олинган даромадни тақсимлаш механизмларини аниқ белгилаш ва йўлга қўйиш, туб ва маҳаллий аҳоли, фермерлар ва маҳаллий қишлоқ хўжалиги жамоалари вакиллариининг миллий даражада қарорлар қабул қилишда самарали иштирок қилиши ҳамда уларни илмий муассасалар ва ташкилотлар иштирокидаги қўшма фаолиятга жалб этишнинг қонуний асосларини чуқур ўйлаб кўриш керак. Буларнинг барчаси Халқаро битимга кучга киргач, жаҳон ҳамжамияти, миллий давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал этилади.

### Адабиётлар

1. Данилов-Данильянц В.И., Лосев К.С. Глобальный экономический вызов - главный вызов XXI века // Проблемы глобализации: Тр. Фонда Горбачева. 2001. Т.7. С.63-98.

2.13. Доклад по информации о коллекциях *ex situ* в соответствии с решением IV/8 / Межсессионные совещания по аспектам осуществления Конвенции. UNEP. Монреаль, 1999. С. 3; 10.

3.14. Жуковский П.М. Мировой генофонд растений для селекции. Мегагенцентры и эндемичные микрогенцентры // Избранные труды. Л.: Агропррмиздат, 1985. С.117-191.

4.15. Жученко А.А. Биоразнообразие - основа сохранения мировых генетических ресурсов растений // Сб. науч. тр. межд. конференции, посвященной 50-летию Ботсада ВИЛАР. М., 2001. С. 8-14.

5.16. Захаренко В.А., Павлюшин В. А., Воронин К.Е. и др. Каталог государственных коллекций полезных и вредных организмов. М.-СПб, 2001. С.75.